

Ғулсаға Ибодулла



Әптиб бөрмас  
номалар



**Гулсара ИБОДУЛЛА**

***ЕТИБ БОРМАС***

***НОМАЛАР***

**(Фарзанд дөгиге күйганлар ўқимасин)**

Тошкент  
«Истиқлол нури»  
2013

**УЎК: 821.512.133-3**

**84(5Ў)7**

**И13**

**Ибодулла, Гулсара**

Етиб бормас номалар (Фарзанд доғида куйганлар ўқимасин) / Г. Ибодулла. – Тошкент: «Истиқлол нури», 2013. – 256 б.

**КБК 84(5Ў)7**

*Гулсара Ибодулла асарлари ўзининг ҳаётийлиги, самимийлиги билан қадрли. Ёзувчи безаниш, бежаб-бўяшиларга интилмаслиги билан муҳлислари қалбига чуқур кириб бора олади. Ҳаққоний, ўзига заррача ёлгонни юкламаган мазкур таҳлил-тасвирлар сизга руҳан таъсир қўилса керак, деб ўйлаймиз.*

**Тақризчи:**

**Раъно Раҳмонберди**

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг аъзоси

ISBN 978-9943-4180-4-2

© Г. Ибодулла.  
© «Истиқлол нури»,  
2013

## Сўзбоши

### Ҳақиқат парчаси

Сув юзида бир-бирига гоҳо яқин келиб, гоҳо узоқлашиб, олдинга қараб сузгувчи муз парчалари шафқатсиз қишининг санъатини кўз-кўз қилиб, тўхтосиз ҳаракат қиласди. Тўсиқлардан ғолиб келиб, олдинга, фақат олдинга интилади. Бу манзарани ҳаётда кўп кузатганман.

Гулсара Исмоилованинг “Ўғилданми, қизданми...”, “Овсин пахта отади” китобларини ўқигач, негадир кўз олдимга тўлқинлар бағрида сузуб бораётган тиниқ муз парчалари келди. Ва улар: – Биз шафқатсиз ҳаётнинг совук, аламли ҳақиқатларимиз, – деяётгандай туюлди менга.

Гулсарани ферузшунос сифатида камчилик билади. Ёзувчи, публицист сифатида ҳам. Нега? Чунки бутун ҳаёти давомида уммон ичида ёлғиз олдинга интилган муз парчасининг қисматига монанд бир умрни кечирди у.

Умр Аллоҳники. Уни қандай кечириш эса инсоннинг ихтиёрида. Адибанинг ҳаёти бу фикрда жон борлигини исботлайди. Қизифи, аёлларнинг кўпчилигини кураш завқидан айириб, таслимият қўшигини куйлашга мажбур этган қисмат қийноқлари уни, халқ тили билан айтганда, йиқилган жойидан бир сиким тупроқ олиб, кўзлаган мақсади томон гоҳ кўзларида мунгли табасум, гоҳо кўз ёши билан олдинга қадам ташлашга унданган. Ҳатто енгилган лаҳзаларининг хатолари ҳам ғолиб кунларининг зафарлари билан қоришиб кетган. Унинг ҳаётини кузатаркансиз, қувонч қайси, қайғу қайси ажратолмай қоласиз. Балки ана шундай яшашнинг ўзи унга хокисорликни инъом этгандир. У ёш томган кўзга бепарво қараб кетолмайди. Эгилган қоматларга мададкор бўлади. Содда қилиб айтганда, йиғлаганга қўшилиб йиғлади, кулганга кулади.

Одатда, кўпчилик ҳаётидаги қора кунларни ёмонлади. Фақат ёруғлик ичидагина қолгиси келади. Бироқ, ана шу кунлар тегирмони остида у нималарни

йўқотиб, нималарни топгани ҳақида бош қотирмайди. Табиийки, инсон ҳаётининг бошидан охиригача баҳтиёр бўлолмайди. Бувиларимдан бири ҳар доим: – Ҳеч қаҷон қийналмаганман. Бир умр баҳтли яшадим, – дерди. Саксонига яқинлашганида ўғлидан жудо бўлди. Мотам маросимида кўз ёшлари юзини ювган момомнинг юзига қарай олмадим. Ҳаёлимга тўқсонларига яқинлашиб оламдан ўтган онамнинг онасининг сўзлари келди: – Аллоҳим, аввалимнимас, охиримни бер.

А.Навоий инсон умрини тўрт даврга бўлган экан, ана шу даврларнинг бирида кувонч, бирида қайғу, бирида топиш, яна бирида йўқотиш бўлиши мумкин. Шу тарзда кўнгилда икки хил туйғу яшайди. Қувончу қайғу таъмини тотиб кўрганлар ўзгалар баҳти ҳамда баҳтсизлигига шерик бўлади. Ичдан ўтгувчи барча ҳисстуйғуларни ўзимники, дея қабул қиласди. Қарияларнинг айтишича, ҳаёт даврининг тўрт буржидан тўрт хил суюқлик кўринмасдан оқиб турармиш. Бу асал, заҳар, йиринг ҳамда қон эмиш.

Кўнгил кўзининг ёпиқлиги ҳайвонга, очиқлиги инсонга хос. Қизифи, тўрт унсурдан яралган банда ана шу суюқликлар билан сийланиб, синалади. Диний билимга эга бўлган аёллар “деворга тегиб кўзнинг очилиши” иборасида чуқур маъно борлигини айтишди. Китоблардаги фикрга кўра, бу девор қабр девори экан. Шу маънода Гулсаранинг боши деворга кўп бора урилди. У бир мартамас, неча бор ўлиб-тирилди. Ҳар сафар унинг оддини тўсиб кўйган пардалар бир-бир олина бошлаган. Ҳеч нарса ўз-ўзидан содир бўлмайди. Ҳар нарсанинг юзага қалқиб чиқиш вақти етиб келади.

Гулсара болаликданоқ таъсирчан қалб билан яшаган. Бироқ, кўнгил кечинмаларининг қай манзил томон интилаётганини аниқ тасаввур қилолмаган ҳаётида яхлитлик бўлмаган. Муз парчалари мисол ҳар тарафга сочилиб яшаган. Яшашнинг бошқача йўлини кўролмаган. Енгил йўллардан юролмаган. Азоб, азоб деган чақирув уни ўзи томон тортиб турган. Бу табиий ҳол. Кўзлар шу тарзда ҳаёт деворларига қайта-қайта урилиб, очилиш саодатига эришган. Аслида шафқатсиз ҳаёт денгизи-

да ёлғиз қолиб, бўронлар билан олишолмаган, ўз ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган одамни на илм ва на ижод остонасига қадам босишга ҳаққи йўқ. Тўғри, азалдан бу табаррук олам келиб кетгувчи ҳавасмандлардан қутулолмаган. Бироқ, содик қалбларгина адабиёт учун буюк муҳаббат билан туғилишади. Денгиз тўлқинлари шамолу довул исканжасида қирғоқ томон чопгани ҳолда яна ўз оқимига чекинади. Негаки, у бошқача бўлолмайди. Ўзгарувчи фасллар юзадаги тўлқинларга ўз кучини ўтказишиади. Бироқ денгиз денгизлигича қолади. Тўлқинлар қирғоққа бош уриб, яна уммонига қайтади. Бир қараашда бу фидойи истеъдод ҳаётига ўхшайди. У қайтар тўлқинлар мисол ўзининг ижод мас-канига қайтади. Адабиёт бошқа...

Адабиёт бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, кўнгил кечинмаларига сұянади, уларнинг рангин қирраларини очиб беради. Бадий асарни ғунчага қиёслаш мумкин бўлса, унинг ичига яширинган ҳақиқатда ўқувчи ўз ҳақиқатини ахтаради. Тилига чиқара олмаган “Иқрорнома” сини ўқигиси келади. Асар фарзандга ўхшатилса, тасвирдаги гулдан тортиб, тошгача барча-барчасида ижодкор нигоҳи бўлади. У ўзгаларнинг ички кечинмаларини ҳам худди ўзиникидай ичдан кечиради. Агар ёзувчига хос мана шундай хусусият бўлмаганида эди, китобхон Гулсара Ибодулла қаламга олган воқелик иштирокчисига айланмаган бўларди. Кўнглида оқаётган ҳақиқатнинг муз парчасини кўрмасди.

“Бир томчи ёш” ҳикояси ўта ҳалол, хокисор мураббийнинг чуқур мазмунга эга бўлган умрининг қисқа ифодасидир. Шу ихчам ҳикоянинг ўзиёқ адебанинг қўлига қалам олишга ҳақли эканини исботлайди.

— “Яна озгина енг, — илтижодан кейин иложсиз оғзини очади. Пиёла тагидаги суюққина қаймоқни хўплаб ололмайди, оғзининг икки чеккасидан оппоқ томчилар оқиб тушади. Қулоғи тагидан сизиб келаётган томчилар уни безовта қиласди, беморнинг эти жимирлайди, қўлидаги докани оғзининг атрофига олиб бориб, артмоқчи бўлади, бироқ уddyалай олмайди. Жонсиз қўллар “шилқ” этиб тушади. Унинг ҳаракатини тушун-

ган хотини қўлидан рўмолини олиб, ўзи артиб қўяди...”

Мана, шаҳардан ўн километр йўл босиб, қишлоқда ўттиз йил дарс берган муаллимнинг аянчли қисмати. Ўлим нафаси одамни шу аҳволга солиши мумкин. Ўлимнинг темир панжасидан ҳеч ким қутулиб қололмайди. Сўнгги куннинг қандай кечиши бандага ноаён. Ўзига ҳамда Яратувчисига содик бир юрак билан яшаган муаллимни бошига нега кора кун тушди? Савол йўқ. Жавоб ҳам. Фақат руҳий ҳолат бор. Унинг нақадар ҳақонийлигини ифодалаган самимий сўз бор, шунча йиллик умиднинг парчаланган илтижоси бор: “–Оладиган бўлсанг, олақол жонимни.” Бу ожизлиқмас. Бу ўзини ҳам, атрофдагиларни ҳам жон қийноғидан халос этиш истаги. Ўзининг борлигини кўрсатмай, доимо қора меҳнат қилган ювош, олижаноб, А.Орипов таърифи билан айтганда, “номаълум одам”нинг кескин қароридир. У сўнган умид орқасидаги ёниб турган нурни кўрмайди. Шу боис, аламли ҳақиқатни тан олади. Ибодулла aka азалдан қаноат тимсоли сифатида ўзбекона сабрнинг энг юқори поғоналарига кўтарилиб яшаш, худди шундай бардошнинг юксак чўққисида жон бериш учун яратилган. У одамлар учун тинимсиз тер тўқади, нолимайди. Нурли кунни жафокаш хотин но-лаларига парво қилмай кутади. Ўзини ҳалол йўлидан ҷалғимай, ҳақлигига ишониб кутади. Ҳаммаси чил-парчин бўлди. Ҳаммаси ичига чўқди. Унинг ҳақлик манзили тўшакка михланиб қолишдан нарига ўтолмади. Муаллим ҳаммасини англаб етди. Бироқ, қўлидан ҳеч нарса келмайди. Ўз ҳаётини бошқалар учун қурбон қилган муаллимнинг “...мадорсиз кўзлари шифтга қадалган. Неча ойдан бери чакка томавериб, майдамайда ёриқчалар ҳосил қилган тахтачаларининг ҳар бир чизигини санаб чиқади. Санайверади, санайверади”. Бу – илинж нуқтаси. Ҳикояда ҳалолликнинг ночор ҳаёт тарзи ҳақида бошқа сўз йўқ. Чакка, ёриқча – шу икки сўзнинг ўзи ёрқин манзарани аниқ суратлантириб турибди. Ҳаётдан узилиб қолган муаллим шифтга тикилиб, нималарни ўйладийкин? Буниси қоронғу. Балки, бу ҳолат унинг яқинларига танишдир. Эгаларига топши-

рилмаган қизларию боши икки қилинмаган ўғлининг қайғуси унинг хотиржам кўз юмишига изн бермаётгандир. Бу ҳолат рассом бўёқлари бағрида яширган сўзсиз ҳақиқатлар мисол тилга киради. Фақат унга яқин ҳамда узоқ масофадан туриб, фикр кўзи билан қараш керак.

“Беморни кимдир секин туртди. У сесканиб кўзини очди. Хотини ёнидагиларни кўрсатиб, бир нима деди. Беморнинг кўз олди бир фурсат қоронгулашиб турдида, тепасида турган уч-тўртта одамни элас-элас илғади. У ёнбошида чўккалаб ўтирган, қўлини қўллари орасига олиб сийпалайтган одамнинг соқолига оқиб тушган бир томчи ёшни аниқ кўрди... Гапирмоқчи эди, гапиромлади, сўзга чоғланган лаблари қийшайиб кетди, кўзидан оққан ёш оғзига тушди. Шўр таъмдан кўнгли орзиқди, томчини туширмоқчи бўлиб, бошини секин қимирлатди. Томчи тушиб кетмади...”

Ўлим бир елкангдан иккинчисига қайрилиб қараш пайтида содир бўлади, яъни бир киприк қоққунича. Ҳатто юз ёшга кирган чоллар: – “Менга берилган умр ёз эшигидан қириб, қиши эшигидан чиққунча бўлмади” – дейишган экан.

Бувим: – “Иссиқ жойларга кетгайман”, – деган сўзни кўп такрорлаган экан. Айтадигани – қабри экан. Бундай одамлар ўзларини яратувчисига топшириб, ўлишдан кўркишмайди. Муаллиф Аллоҳ ҳузурига ёруғ юз билан бориш учун умрлари давомида шайтоний нафс кўчаларига қадам босмаган кишилардан бирининг охирги кунларини қаламга олган. Бу ҳаётий ҳикоя ўқувчининг бугуни ҳамда эртаси ҳақида ўйлашга мажбур этади. Бир куни кетасан. Қай ахволда кетасан? Омонатингни ўз ихтиёринг билан Яратувчингга топширасанми? Ёки гуноҳларинг учун совуқ ҳолда зими斯顿 қабринг азобларидан кўрқа-кўрқа ихтиёrsиз равишида жон берасанми? Туғилиш бор жойда ўлим ҳам бор. Сени ўз ҳаёting ҳамда ажалинг олдида юзинг ёруғми ёки қора? Ҳикоя орқали айтилмоқчи бўлган фикр шундан иборат.

“Келин” қотиб қолган тушунчаларга қарши отилган

қаттиқ тош. Ҳикоя келинчакларни “келин” қўзгусида кузатувдан ўтишга чақиради.

“Орадан ўтган шунча йил давомида на кўча кўйда, кейинчалик маориф соҳасида ишласам ҳам, на бирон мактабда уни учратмадим, ҳатто у ҳақда ҳеч нарса эшиитмадим ҳам. Ҳакимов гўё ерга киргану сингиб кетгандек”. “Қўрқоқлигим ва чақимчилигим туфайли синфдошларимни қатағон давридан омон-эсон, ўлим-етимсиз чиқиб олишига имкон яратганимдан хурсанд бўлдим.” Бу “Лаҳм гўшт” ҳикоясига қўйилган сўнгги сўз нуктасидир. Мурғак болалик хотираларида унтилмай қолган воқеаларни ўқиётиб, Ибодулла ака кўз олдингда гавдаланади. Икки муаллим икки хил характер эгаси. Ёзувчи бир-бирига зид инсон қиёфасини безакларсиз очиб ташлаган. Шу боис, ўқувчи хотирасида ўз болалиги уйғонади. У кечаги кунлар бағрига шўнғиди. Синфдошлари ҳамда ўқитувчилари ҳақида ўйлай бошлайди. Бир лаҳм гўшт орқали муаллимнинг қай даражада тубанлашганини кўриб, ачинасан. Бу ҳолат ортиқча сўзларсиз аниқ ифодаланган. “...қўлимга сумка тутқазган устоз қизариб деди: – Буни қўшнинг Роҳиланинг уйига олиб борасан. Агар уйида эри бўлса, онангиз бериб юборди дейсан, бўлмаса менинг берганимни айтасан”.

Шу қисқа парчада муаллимнинг ички ҳамда ташқи ҳаёти кўрсатилган. Ҳикоя кўз олдингда худди кинодаги тасвирлар мисол қолади. “Садака”, “Тилла соат”, “Раққоснинг онаси”, “Ипподром зираги”, “Ҳимоясиз гул” даги ибратли воқеалар ҳам ўта ҳаётийлиги билан ўзинг ҳамда атрофингдагилар ҳақида ўйлаб кўришинг учун имкон яратади. Зеро, воқелик асар ичига ўтганида ундан ўқувчи нимадир топиши керак. “Воқеий ҳикоялар” ўзига хос топилмалари билан ўқувчини ҳайрон қолдиради.

“Йиги овози қаёқдан келяпти, нариги палатаданми? – дермиш жасад кўзларини очаётиб. Тирилган мурда шундан сўнг икки ярим йил яшаган. Илгари камдан-кам, факат ҳайит кунларидагина борадиган отасининг мозорига тез-тез қатнайдиган, нураб ётган қабрнинг у

ёқ-бу ёгини тузатадиган бўлибди.”

Клиник ўлимга ишонмаслик мумкинмас. Ҳикоя кўпчиликни қизиқтиргувчи ана шундай воқеликка асосланган. Китобнинг бошқа бир жойида ҳам ичкилик туфайли у дунё билан боғланиб, ўзгарган образ мавжуд. У дунё биз учун сир. Сирдан воқиф бўлган ҳар икки одам ҳам кўрганлари ҳақида оғиз очишмайди. Энг муҳими, улар бошқа одамга айланиб қолишади. Бу асарлар одамга айланиши учун мурда ҳаётини кечириши шартмас, ўлим ҳақ. Шундай экан, ўзингни ўнглаб ол. Бугун бўлмаса, эртага сени яратган қудратли куч олдида бўйин эгасан. Инсон умри икки дунё ичидаги кечади. Ўлим йўқлик эмас, борлиқдир. Қабр деворига урилган бошнинг уйқудан уйғонишидир. Воқелик замираидек бекордан-бекорга огоҳлик садолари яширинмаган. Гулсара Ибодулла ўқувчисининг икки олам олдида ҳисоб бериб яшини истамаганида бу мавзуга қўл уриб, ғаройиб воқеалар кўмагида ғаройиб қонуниятларни очишга ҳаракат қиласди.

Мухаббат мавзусига қизиқмаган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Қўлига қалам ушлаган ижодкорлар дастлаб ана шу туйғуни тасвирлайди. Гулсара кутилмагандан унга бошқа томондан ёндашиб, юракни ларзага солади.

“Энди ҳеч қачон уни она демайман, қайтиб келса уйга киритмайман”... “Онажон, ўлиб қоламан, онажон”. Бир-бирига зид икки ҳайқириқ. Бу ҳеч қандай қараш билан чегараланмайдиган ички исён. Ички алам овозидир. Онанинг кўнгил қувончи учун ўн уч ёшида умри олов ичидаги қовжираган норасиданинг ғоятда аянчли қисмати акс эттирилган “Дийдор қиёматга қолди” ҳикояси борйўғи икки бетга яқин жойни эгаллаган. Бироқ, у қисса ёки роман учун туртки бериш даражасида ўзида ноёб сирни сақлаб турибди. Бундай воқеаларни эшитганлар қисқа сатрларни давом эттиришади. Табиий равища уларнинг кўз олдига жаҳон адабиётининг дурдонаси “Анна Каренина” келади.

Л.Толстой она ичидаги кечгувчи туйғуларни пайғамбарона нигоҳи билан очиб ташлаганди. Саводсизлик, фикрий қашшоқлик аёл зотини ичидаги шайтони ихтиё-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/1378> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1378> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1378>